

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ
кафедраси

**«МАЛАКАВИЙ ТАЪЛИМ
МЕТОДИКАСИ»**

фанидан

курс ишини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

НАМАНГАН-2006

Ушбу услубий кўрсатма «Малакавий таълим методикаси» фанидан курс ишини бажаришда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб. Услубий кўрсатмада курс ишини бажаришдан мақсад ва вазифаларини, мавзуларни танлашга оид кўрсатмалар, ишни бажаришдаги кетма-кетлик, расмийлаштиришга оид маълумотлар берилган.

Кўрсатмани мақсади- «Малакавий таълим методикаси» фанидан ўқув режасида кўзда тутилган курс ишини бажаришда талабаларга ёрдам кўрсатиш.

Услубий кўрсатмада курс ишининг моҳияти очиқ берилган, уни бажариш тартиби атрофлича баён қилинган, унинг мазмунига ва расмийлаштирилишига бўлган асосий талаблар аниқланган.

Услубий кўрсатма 514900 «Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш» таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

Тузувчи: «Машинасозлик технологияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси И. Нематуллаев

Такризчилар: т.ф.н. доц. М. Нажмидинов(НамМПИ)
т.ф.н. доц. А. Бурханов(НМИИ)

Услубий кўрсатмани «Машинасозлик технологияси» кафедрасининг 2006 йил 28. 08 даги № 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва институт ўқув методик кенгашига кўриб чиқиш учун тавсия қилинган.

Услубий кўрсатмани НамМПИ ўқув методик кенгашининг 2006 йил 29.08.даги №1-сонли йиғилишида кўриб чиқилган, уни фойдаланиш ва кўп нусхада чоп этишга тавсия қилинган (рўйхат рақами №___).

1. Курс ишининг мақсади.

Малакавий таълим методикаси (КТМ) бўйича курс иши шу фанни ўрганишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг мақсади - ўқитишни техник воситаларини қўллаш ва дарс бериш методикаси бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш, коллежларда умумтехника ва махсус фанларни ўқитиш учун методик материалларни ишлаб чиқишда талабаларни бу билимлардан фойдаланиш малака ва маҳоратини оширишдир.

Курс ишини бажаришга асос қилиб олинган фанлар машинасозлик йўналишидаги коллежларнинг ўқув режаларига тўла мос ҳолда танлаб олинган.

Курс ишининг айрим бўлимларини бажарилиши коллеждаги ўқув фанларининг мазмуни маълум маънода олий ўқув юртидаги ўрганиладиган бир ёки бир нечта фанларни илмий мазмуни билан боғланганлигига асосланади.

Курс ишини мувафақиятли бажариш учун мазкур «Методик кўрсатмадан», унда келтирилган адабиётлардан ва маъруза матнларидан самарали фойдаланиш лозим.

2. Курс иши топшириғининг мазмуни

Курс ишини бажаришга топшириқни ҳар бир талабига ўқитувчи яқка тартибда беради.

- ишчи касбини номи;
- таълим тури;
- ўқув фани номи;
- коллеж ўқув режаси;
- ўқув фани бўйича дастур;
- истиқболли-мавзуий режани ишлаб чиқиш учун кўп дастури мавзуси;
- режани конспектини ва дидактик таъминотини ишлаб чиқиладиган

давр мавзуси;

Курс иши иккита асосий бўлимдан иборат: тушунтириш хати ва асосий қисм (мавзуларни ишлаб чиқиш ёки кабинетни жиҳозлаш).

Топшириқ асосида тузилган тушунтириш хатида қуйидаги саволлар қўйилади:

- кириш, ўқув фанини ўқув режадаги фанлар тизимидаги ўрни ва вазифаси;
- бу фанни ўрганишда эгаллаган билим, ўқув ва маҳоратни аҳамияти;
- ўқув фанининг мавзуий режасини таҳлили;
- ўқув фанини дастури мавзуларини мазмунини таҳлили;
- фан бўйича дарслик мазмунини ва унинг фан бўйича дастурга мослигини таҳлили;

3. Курс ишини асосий қисми мазмуни.

Ўқув фанини мавзусини ишлаб чиқишни кўзда тутувчи топшириқлар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- ўқув фанини ўрганишга ўқув жараёни графигини ва календар графигини ишлаб чиқиш;
- ўқув фанини ўрганишнинг технологик картасини ишлаб чиқиш;
- фан бўйича ёки мавзу бўйича истиқболли-мавзуий режани ишлаб чиқиш;
- мавзуни дарс бўйича режасини ишлаб чиқиш;

- маззуларни ОЎЮ машинасозлик цикли фанлари билан боғланиш схемасини ишлаб чиқиш;

- мавзуларни муҳим бир дарс учун режа ва конспектини ишлаб чиқиш;

Ўқув режаси фанлари системасидаги ўрни ва вазифасини қуйидаги таҳлил асосида аниқланади:

- ўқув фанини очиб беришда талабани асосий тайёргарлигини аниқлаб берадиган коллеждаги ўқув фанини вазифаси ва уни базавий фанга мослиги;

- коллежни муҳим техникавий фанлари;

- ўқув фанини мақсади ва вазифалари;

- коллеждаги ўқув фани соатлари миқдорини ОЎЮ даги базавий фан соатлари миқдorigа нисбати;

- коллеждаги ўқув режасида фанни жойлашиш схемаси;

- коллеж ўқув режасида фанни ўқитиш принципи (параллел, кетма-кет, аралаш);

- ўқув фанини ишлаб чиқариш таълими билан боғланишига тавсиф;

4. Коллеж ўқув фанининг мавзуий режасини таҳлили.

Таҳлилни базавий ОЎЮ даги фанни мавзуий режаси билан таққослаб кўриб амалга оширилади:

- касбий малакани эгаллашда аҳамиятли ўқувчилар учун керак бўладиган коллеж ўқув режасидаги техникавий фанлар рўйхатини аниқлаш (таҳлил қилинаётгандан ташқари);

- фанларни мавзуларини ўтиш кетма-кетлигини таҳлил қилиш (фанни ўрганишнинг тарқоқ графиги бўйича);

- мавзуни мазмуни бўйича ҳар хил ўқув фанларидаги яқинлик(қариндошлик)ни ва улар билан боғланиш характерини (ўтиб кетган, барча бўладиган келгусида) аниқлаш;

- ишлаб чиқариш таълими жараёнида малакани онгли равишда эгаллаб олиш учун фанни ўрганишда олинган билим ва уйддалашларни ҳажми етарлилигига баҳо бериш;

- ўқув фанини таълим ва тарбия мақсадларини ОЎЮ фанлари билан таққослаш;

- ўқув фанини мавзуий режаси таркибини базавий фанларники билан таққослаш (индуктив, дедуктив);

- мавзуий режани ўзгартириш бўйича, мавзуларни ўрнини алмаштириш бўйича ёки эскирган мавзуларни чиқариб ташлаш бўйича таклифлар киритиш;

- ўрганилаётган материалларни ҳажми ва мураккаблигини ҳисобга олиб, ўқув фанига ажратилган ўқув режадагисоатларни мослигига баҳо бериш ва соатларни фан мавзулари бўйича қайта тақсимлаш ҳақида таклифлар киритиш.

5. Ўқув фани мавзуси мазмунини таҳлили.

Таҳлил қилишни қуйидаги саволларни кетма-кет очиш йўли билан амалга ошириш тавсия этилади:

- коллеж ўқув фани мавзуларидаги таълим масалалари комплексини ОЎЮ базавий фанини тўғри келувчи бўлимига мослигини аниқлаш;

- мавзуда таълим мазмуни бўйича фанлараро алоқани борлигини аниқлаш ва мавзуни бошқа мавзу материаллари билан боғланишини аниқлаш;

- малака ва уйддалашлар шакли бўйича фан ичида ва фанлараро боғланишни аниқлаш;

- ўқув фани мавзулари рукунини базавий фан билан таққослаш;
- мавзу ўқув материали мазмуни характерини баҳолаш (назарий, экспериментал, тасвирий);
- материални етказиш усули (оғзаки, кўрғазмали, амалий);
- мавзу ўқув материали мазмунини яхшилаш бўйича, ўқув фанини рукунини яхшилаш бўйича, амалий ёки лаборатория ишларини олиб бориш бўйича таклифларни киритиш.

6. Асосий дарсликнинг бўлимлари мазмунини таҳлили.

Ўқув фани бўйича дастурни олиб ва бу фан бўйича ҳамма дарсликларни олиш лозим. Уларни ўқув дастури ва ўқув фанини мавзуий режасига мослигини (тўғри келишлигини) аниқлаш. Ўқув материалларини баён қилиниши дидактиканинг асосий талабларига ўқув материални илмийлиги, системалилиги, кетма-кетлиги, кўрғазмалилиги, ўнғайлиги, баҳоли қудратлиги ва мослигини аниқлаш.

Мисол учун, дарсликни илмийлик талабларига мослигини қуйидаги йўл билан аниқланади:

- ўқув материалларини танлаш даражаси;
- материални баён этиш матнини базавий фанга мослик даражаси;
- воқеликни ҳар томонлама кўришдаги талаб;
- асосий атамаларни, тушунчаларни, таърифларни мослиги;
- баён қилиш методини (индуктив ёки дедуктив) тўғри танланганлиги.
- ўқув материали даражаси фан ва техникани ривожланиш даражасига мослиги.

Худди шунга ўхшаш дарсликдаги ўқув материални баён этиш дидактиканинг бошқа талабаларига мослигини аниқланади:

- ўнғайлик ва куч етарлилик,
- системалилик ва кетма кетлилик ва бошқалар.

7. Ўқув фани мавзусини ўрганишнинг истиқболли – мавзуий режаси.

Машинасозлик цикли фанлари бўйича ўқув материалларини ўрганишда истиқболли-мавзуий режа ишлаб чиқиш қабул қилинган

Истиқболли-мавзуий режа битта мавзу бўйича ёки тўла ўқув фани бўйича ишлаб чиқилиши мумкин.

Режани тузишда инобатга олинадиган фактлар:

- ўқувчиларни юқори ўқув имкониятлари,
- ўрганиладиган материалларини ўртача қийинлиги,
- ўқув фанини ўқувчиларни ижобий муносабатлари,
- ўқувчиларни билиш фаолиятларининг тилик характери,
- замонавий ўқув материал базанинг борлиги.

Истиқболли – мавзуий режани жадвал кўринишида тайёрлаш қабул қилинган.

Истиқболли – мавзуий режани тузишда мавзу бир соатли дарсларга бўлинади, ўқувчиларни ўқув – билиш фаолиятларини ташкил этиш усулари кўрсатилади (намоишли тушунтириш, репродуктив, муаммоли ,қисман ахтаришли, изланишли), режани ишлаб чиқишда дарсларнинг ҳамма турларидан , таълимнинг хар хил методларидан фойдаланилади.

Режада замонавий ЎТВларни, дидактик материаларни қўлаш кўзда тутилади, масала ва машқлар тўплами бўйича уй вазифалари топшириқларини рақамларини танланади.

Истиқболли –мавзуий режадан ташқари курс ишида одатда мавзуни бажарувчиси таклиф этган мавзунинг дарсий режаси берилади.

Мана шундай режага мавзу дарслари, ҳар бир дарснинг билим ва тарбиявий масалалари, дарс структураси, ўқув материаллини мазмуни, ўқитувчи ва ўқувчиларни ишлари методлари, ўқув жиҳозлари ва уй вазифалари киради.

8. Курс иши бўйича топшириқнинг иккинчи варианты.

« Ўқув фани бўйича кабинетни техникавий ва дидактик жиҳозлашни ишлаб чиқиш».

Кабинет режасини ва уни техникавий ва дедактив жиҳозланиши ўқув фанини берилган мавзу бўйича кабинетни лойиҳалаш ва жиҳозлаш бўйича методик адабиётларни шарҳини ўз ичига олади.

Бажарувчи бир ёки иккита коллежнинг шунга ўхшаш кабинетларини жиҳозланишини ўз кўз билан кўриши лозим.

Методик тавсияларни ва кўз билан кузатишларни таҳлили асосида курс ишини бажарувчи илғор педагогик тажрибаларни ва техниканинг ривожланишини замонавий даражасини ҳисобга олган ҳолда кабинетни лойиҳалаш ва уни ЎТВ билан жиҳозлаш бўйича ўз вариантини таклиф этиши лозим.

Касб таълим методикаси фани бўйича курс ишини бажариш схемаси.

1. Сарварақни расмийлаштириш

ЎЗБЕК И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Наманган муҳандислик – педагогика институти

Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси

Касб таълим методикаси фанидан

К У Р С И Ш И

Мавзу: (курс иши мавзуси)

Раҳбар:

Бажарувчи:

Ҳимоя баҳоси:
Ҳайъат аъзолари имзоси:

Наманган-2006

2 . Мундарижа

ТФ Р	Бўлим, мавзу нома	Саҳифа
1	Кириш	
2	Мавзувий режа тахлили	
3	Дарс режаси ва конспекти	
4	Ҳулоса ва тавсиялар	
5	Адабиётлар рўйхати	

Курс иши ўлчами 210x297 мм бўлган оқ қоғозга қўлда ёзиш билан бажарилади .Ёзув фақат бир томонга ёзилади .Варақларда чапдан 25мм,ўнгдан 10мм ,юқоридан 15мм ва пастдан 20мм оралиқ жой ташланади. Варақларни тартиб сони юқоридан ўнг бурчак қўйилади.

3. Ўқув фани мавзуларини ишлаб чиқиш бўйича курс ишининг таркиби.
(курс ишини аниқ бўлимларини рўйхати ва мазмуни)

1) Кириш . Курс иши мавзусини илмий (педагогик) асослаш:
- касбий –техникавий билим , малака ва уддалашларнинг умумий тизимида ўқув фанини ўрни;

- мазкур мавзуни ўқув фанидаги ўрни , яъни ўқув фани буйича билим , малакава уддалашларнинг умумий тизимида мавзунинг ўқув материаллини роли;

- мавзуни касбий малака тавсифномаси билан боғланиши;

- мавзу буйича таянч билимлар, асосий тушунчалар тизими, қонуниятлар;

2) Ўқув фанини мавзуий режасини тахлили :

- дарслик мазмунини тахлили;

- мавзуни ўрганиш ва ўқув жароёнини ташкил этиш

билан боғлиқ бўлган саволлар:

а) ўқув жараёни графигини ишлаб чиқиш.

Ой, ҳафта, Кун	сентябр			
	1	2	3	4
Машғулот Тури				
Шартли белгилаш	Устахонадаги ишлаб чиқариш таълими дарси			
Назарий таълим дарси				
Корхонадаги ишлаб	Синов ва имтиҳонлар			

б)Фан бўйича технологик карта

(фан номи)
жами соатлар: амалий машғулот _____
лаборатория машғулоти _____

Т.р	Мавзулар номи	с о а т л а р	Амалий машғулот	Лаббо ратория машғулотлари	Ўқув қўлланма	Дидактик материал ва УТВ	МИС Т иш учун топшириқ. Карта №	Мавзу бўйича қўшим. Адабиётлар	Уйга вази Фа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

-(ўқув фанинг мавзу буйича) истиқболли – мавзуий режани ишлаб чиқиш .

Фан ичида ва фанлар аро боғланишни ўз ичига олган истиқболли – мавзуий режа схемаси .

Дарслар мавзулар	Дарс тури	Дидактик ма-	Курс мавзулар	Бошқа уқув фан	Дарс бўйича уйга вази фа
------------------	-----------	--------------	---------------	----------------	--------------------------

и		териал УТВ	и би-лан боғ- ланиш	мавзулар и би-лан боғ- ланиш	Уқиш	Масала

- истиқболли –мавзуий режадан ташқари , талаба одатда мавзуни дарсий режасини тузиб чиқади (дарс мавзулари рўйхати);
- мавзуни фан ичида ва фанлар аро боғланишни методик асослаш: мавзуни ўрганиши учун фаннинг бошқа мавзуларидан қандай билим , малака ва уддалаш шакланган бўлиши ёки бошқа боғлиқ фанларнинг қандай мавзуларини ўрганилган бўлиши керак;
- фанлар аро боғланиш схемасини ишлаб чиқиш.

Ўқув фани мавзуларини ОЎЮ ўқув фанлари билан боғлаш.

Коллеж ўқув фани мавзуий режалари ва ОЎЮ нинг базавий фанлари (ёки уларни бўлимлари)

РУКУНИ

Ўқув фани мавзулари № ва уларни номлари	№ 1 ОЎЮ базавий фанни мавзулари № ва уларни номлари	№2 ОЎЮ базавий фанлари мавзулари № ва уларни номлари

- ўқув фани мавзуларини техникавий ва дидактик жиҳозлаш-ни асослаш;
- ўқув дастурида кузда тутилган амалий ва лаборатория ишларини ишлаб чиқиш ёки ўқув фани бўйича талаба таклиф этган амалий ва лаборатория машғулотлари;
- курс мавзуси бўйича бирор бир аҳамиятли дарсини ишлаб чиқиш:
 - а) методик адабиётларни шарҳи асосида ,адабиётлар манъбайи буйича дарсни методикаси ва ташкил этиш ҳолатини тахлили;
 - б) таклиф этилаётган ишланма методик муамоларини янги оригинал ечими ,билишли суҳбатлар методикасидан фойдаланиш , ўқув мате-риалини муамоли баён этиш.

3) Дарс режаси ва конспекти

- дарс режаси ,уни вақтинчалик таркиби,
- дарс конспекти (иловага қаранг),
- дарснинг ҳама босқичлари бўйича топшириқ - карточкани ишлаб чиқиш,
- дарсни ўтказиш методикасини асослаш,
- дарс мавзуси бўйича дидактик комплектни тайёрлаш,
- фан бўйича тавсия этиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар.

4) Курс иши бўйича хулосалар ва уни коллежнинг ўқув - методик ишларида фойдаланиши учун тавсиялар .

5) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .

10. Курс ишини 2- вариант бўйича таркиби .

Техникавий ўқув фани бўйича кабинетни техникавий ва дидактик жиҳозланишини ишлаб чиқиш :

- 1) Кириш
 - ўқув фанини касбий техникавий билим , малака ва удалашларнинг умумий тизимдаги урни;
 - техникавий ўқув фани бўйича ўқув кабинетига бўлган асосий талаблар ,режалар ,асосий жиҳозлар;
 - фанни дидактик таъминотига бўлган замонавий талаблар, ўқишни техник воситалари билан жиҳозлаш;
- 2) Ўқув фанини мавзуй режасини тахлили.
- 3) Дарсликни тахлили.
- 4) Фан бўйича ўқув жараёни графигини, ўқув – технологик картани ишлаб чиқиш.
- 5) Кабинет режасини , асосий жиҳозларни жойлашиш режасини ишлаб чиқиш.
- 6) Мавзу бўйича дидактик материаллар комплектини тайёрлаш , дидактик материалларни аниқ турларини танланишини асос-лаш.
- 7) Ўқув фани мавзуси бўйича амалий машғулот лаборатория ишларини қўйиш.
- 8) Мавзу бўйича битта дарсни ишлаб чиқиш (режа, конспект, методика дидактик жиҳозлаш).
- 9) Курс иши бўйича ҳулосалар
- 10) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Дарс конспекти (схемаси)

Дарс босқичлари (элементлари)	Ўқув материал мазмуни	Ўқитувчини дарсдаги методик ишлари ЎТВ	Ўқувчиларни мустақил иш турлари топшириқни бажариш.
Уй вазифаси бўйича сўраш	Ўтган дарс бўйича савол ва жавоблар тузими	Сўраш методикаси	Жавоб берувчини синф тахтаси олдидаги иши яқка топшириқ бўйича ишлар. Синф ўқувчилари жавобларига аниқлик киритиш ва тулдириш.
Янги материал- Ни мавсум қилиш.	Дарс мавзуси, янги материални мазмуни, матн, расм, схема	Янги мавзуга ўтиш методикаси Янги материални баён қилиш методикаси ЎТВ кўргаз-ма куролларини қўллаш.	Ўқитувчининг тушунтиришини тинглаш, дафтарга асосий маълумотларни ёзиб олиш расм, схемаларини чизиб олиш ўқув муаммоларини ечишдаги суҳбатда иштирок этиш.
Мустаҳкамлаш	Янги мавзунини асосий	Янги мавзу бўйича	Ўқувчини оғзаки саволларига жавоб бериш Топришиқ -

	саволлари ва машқлари	ўқувчилардан сўраш топшириқлар бериш. Бир нечта ўқувчини синф тахтасига чиқариш.	карточка буйича ёзма жавоблар. Синф тахтасига чақирилганлар жавоблари. Масалаларни сифатли ечиш.
Уйга вазифани бериш	Дарслик ва ёзувлар буйича уй вазифасини мазмуни	Уй вазифасини тушунтириш	Дафтарга уй вазифасини ёзиб олиш. Топшириқни қандай бажаришликка оидлик киритиш.

10. Курс ишини айрим босқичларини бажаришга оид вақт тақсимоти

1. Кириш.

- Ўқув фанини ўқув режасидаги фанлар тизимидаги ўрни ва вазифаси
 3соат
2. Ўқув фани мавзуй режасини таҳлили 6соат
3. Ўқув фани дастури мавзуларининг мазмунини таҳлили 6соат
4. Фан бўйича асосий дарсликнинг бўлимлари мазмунини таҳлили
 8соат
5. Фанни ўрганишнинг ўқув жараёни графигини ва календар режасини ишлаб чиқиш 3соат
6. Фанни ўрганишнинг технологик картасини ишлаб чиқиш . . .3соат
7. Истикболли – мавзуй режани ишлаб чиқиш, фанлар аро боғланиш схемасини ишлаб чиқиш 6соат
8. Мавзуни – дарсий режасини ишлаб чиқиш3соат
9. Ўқув фанини ОЎЮ базавий фани билан боғланиши 3соат
10. Мавзуни дидактик жиҳозлаш комплектини ишлаб чиқиш, лаборатория ишлари рўйхати 3соат
11. Дарс режаси ва конспектини ишлаб чиқиш 4соат
12. Ёзувларни расмийлаштириш 4соат
- Жами 54соат

Адабиётлар рўйхати

1. Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т.: «Шарқ», 1997.
2. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами: Ғ С.С.Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Б.Х.Рахимов, Ш.Д.Жонбоев ва бошқ. Т.: «Шарқ», 2001.- 672б.
3. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами: Ғ С.С.Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Ш.А.Аюпов, Б.Х.Рахимов ва бошқ. -Т.: «Шарқ», 2003.- 752б.
4. Мирсаидов К. «Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими». Т.: «Ўқитувчи», 1996.
5. Мирсаидов К., Хидиров Ў., Чориев Р. «Ишлаб чиқариш таълими». Т.: «Ўқитувчи», 2002.
6. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «Фан», 2000.
7. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. -Т.: 2002, -192б.
8. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2003. - 172б.
9. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П., Ҳалимов Э.З., Рустамов Р.М., Ашурова С.Й. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: «Фан», 2004, -120 б.
10. Б.А. Соколов. Методические основы преподавания машиностроительных дисциплин. Москва «Высшая школа» 1981 год.
11. Ишматов Қ. Педагогик технология асослари (илғор педагогик технологиялар). Ўқув қўлланма, Наманган, НамМПИ, 2001 й.

2. Қўшимча адабиётлар

12. Семушина Л. «Содержание и методы обучения средних специальных учебных заведениях». М.: 1990. 192-стр.
13. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари (Методологик аспект: янги педагогик технологиялар, муаммолар, ечимлар ва баҳолаш методлари). -Т.: ТДТУ, 2001, 147 б.
14. Леднев В.С. «Содержание образования». М.: «Выс. школа», 1991.
15. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. Т. «Ўқитувчи», 1992. 208 б.